

ЎЗБЕКИСТОН ОҶОҶИ

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ СИЙOSIY-IJTIMOIY GAZETASI

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

«ОНА ВА БОЛА» ДАВЛАТ ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА

2001 йил Ўзбекистон Республикасида «Она ва бола йили» деб эълон қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 19 декабрдаги Ф-1306-сон фармойишига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Республика комиссияси томонидан Вазирлар Маҳкамаси комплекслари, вазирликлар ва идоралар, маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органлари, жамоат ташкилотлари ва нодавлат ташкилотлар билан биргаликда ишлаб чиқилган «Она ва бола» давлат дастури тасдиқлансин.

«Она ва бола» давлат дастури тадбирларни республика ва маҳаллий бюджетларда тасдиқланган аниқ манбалар ҳамда бажарувчиларнинг маблағлари билан таъминланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қўйилган Давлат дастурининг асосий мақсадлари ва вазифалари ҳисоблансин:

дастулда мўлжалланган чора-тадбирларнинг оила манфаатлари амалга оширилишини таъминлаш, аёлларнинг манфаатларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш бўйича қабул қилинган Давлат дастурига, «Соғлом авлод» дастурига барча лойиҳалар ва тадбирларнинг бундан бундан амалга оширилиши, тўлиқ тўлғанишига эриштирилиши билан мустаҳкам ўзаро алоқасини таъминлаш;

она соғлигини мустаҳкамлаш ва соғлом бола туғилиши масалаларига эътиборни қўйиштириш, замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари, профилактика тадбирларини мунтазам ўтказиш ёрдамида амалда тиббий кўридан ўтказиш ва она ва болани парварши қилиш тизimini яратиш;

ҳар томонлама жисмоний, маънавий ва ақл-заковатли болалар камол топиши учун шарт-шароитлар яратиш, уларда педагогика ва психологиянинг замонавий усулларини қўллаш асосида қатъий би-

лимлар, эркин фикрлаш кўникмаларини шакллантириш, атроф-муҳитнинг бойлиги ва хилма-хиллиги, жаҳон маданияти билан кенг таништириш;

энг яхши анъаналаримиз ва урф-одатларимиз асосида болаларни Ватанга ва халққа муҳаббат ва садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат билан муносабатда бўлиш руҳида тарбиялашда ота-оналар, таълим муассасалари ва маҳаллаларнинг ролини кучайтириш;

мустаҳкам ва соғлом оилани шакллантириш учун зарур шароитлар яратиш, болани тарбиялаш, жисмоний ва маънавий ривожлантиришда она ва оиланинг ролини кучайтириш.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва бошқа манфаатдор вазирликлар, идоралар билан биргаликда тасдиқланган «Она ва бола» давлат дастури қондалари асосида ҳамда минтақа ва тармоқларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда бир ой мuddатда тегишли худудий дастурларни ишлаб чиқсинлар, уларда аниқ чора-тадбирларини ва бажарилиши мuddатларини назарда тутсинлар ҳамда уларнинг амалга оширилишини қатъий назорат остига олсинлар.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси комплекслари, вазирликлар, идоралар, ҳўжалик бирлашмалари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар, шаҳарлар, туманлар ҳокимликлари, Хукуматга қарашли бўлмаган ташкилотлар ва жамоат ташкилотлари;

тасдиқланган «Она ва бола» давлат дастурида белгиланган тадбирларнинг ўз мuddатларида сўзсиз бажарилишини таъминла-синлар;

йилнинг ҳар чорагида ўз маж-лисларида «Соғлом авлод» ва «Она ва бола» давлат дастурларининг бажарилишини кўриб чиқсинлар;

йилнинг ҳар чораги якунларида кўра ҳисобот давридан кейинги ойнинг 10-кунига Вазирлар Маҳкамасига тасдиқланган дастурий топшириқларнинг амалга оширили-ши якунлари тўғрисида таҳлилий ахборот тақдим этсинлар.

5. «Она ва бола» давлат дасту-рининг бажарилишини ташкил этиш ва мониторингини олиб бо-риш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 19 де-кабрдаги Ф-1306-сон фармойиши билан ташкил этилган Республи-ка комиссиясига юклансин.


Ўзбекистон Республикаси Ва-зирлар Маҳкамаси Ижтимоий ком-плекси ҳамда Оила, оналик ва бо-лаликни ижтимоий муҳофаза қилиш комплекси қотибятилари ва «Соғлом авлод учун» Хукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия жамғармаси тузилмалари Респуб-лика комиссиясининг ишчи органи эти белгилансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси, «Ўзе-лердио» компанияси, Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги, рес-публика оммавий ахборот восита-лари «Она ва бола» давлат дасту-рида назарда тутилган чора-тад-бирларнинг роли ва аҳамияти кенг тушунтирилишини таъминласин-лар.

7. Мазкур қарорнинг бажарили-шини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири У. Султонов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. ҚАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2001 йил 5 февраль



Ўйлар чўққиларга элтади бизни, Оптоқ қор орзулар каби покиса! Ватан кенгликлари айтиммаган сўз, Ҳар бир тоши унинг — тирик мўъжиза.

Тоғ. Сукўт. Арчазор эркин шеър мисол, Зангор қўшақ айтар титроққа тушиб. Ватан — қўшишга сиймаган нолам, Ватан — юрагимни тўлдирган хитоб.

ХДП ХАБАРЛАРИ

МУНОСИБ ҲИССА ҚЎШАЙЛИК!

Мамакатимизда, Республика Вазирлар Маҳкамасининг махсус қарорига мувофиқ, Ўзбекистон давлат мустақиллигининг ўн йиллигини тантанали нишонлашга тайёргарлик кўриш бошлаб юборилганлиги муносабати билан, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Котибияти, «Ўзбекистон ХДП ташкилотларининг Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 10 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишда иштироки тўғрисида», қарор қабул қилди. Унда мустақиллик йилларида юрти-мизда юз берган туб ўзгаришларга юқори баҳо берилиб, диёримизда, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ислохотлар билан уйғунликда, маънавий янги-ланиш жараёнилари кенг қулоч ёзаётганлиги, мил-

лий ва умумбашарий қад-риятлар қарор топиб, истиқлол гоёлари барча ва-тандошларимизнинг шу-рига тобора чуқурроқ син-ги бораётганлиги таъки-дланди.

Мустақиллик туфайли майлонга чиққан, бутун фа-олияти давомида уни му-стаҳкамлаш, ривожланти-риш, шунингдек, ҳимоя қилишга баҳоли қудрат ҳисса қўшиб келаётган, Ўзбекистон ХДП, — дей-лади МК Котибияти қаро-рида, — барча ташкилот, муассаса ҳамда аъзоларини республика Президентини И.А.Қаримовнинг, миллий манфаатларга мос ва партия дастурий гоёларига ҳамоҳанг, ислохотлар сиё-сатини бундан кейин ҳам қўллаб-қувватлаш, уни ҳаётга татбиқ этишда ана-да фаолроқ иштирок эти-шга сафарбар қилишни ўзи-

нинг ватанпарварлик бур-чи, деб биллади.

Котибият Марказий Кен-гашининг, Ўзбекистон Рес-публикаси давлат муста-қиллигининг 10 йиллигига бағишланган, тадбирлар ре-жасини тасдиқлаб, барча партия кенгашларига шун-дай режаларни ишлаб чи-қиб, уларни амалга оши-ришни тавсия этди.

Мазкур қарорга бино-ан, маҳаллий партия таш-килотлари, байрамга оид, ўз тадбирларини ўтказиш билан бир қаторда, жой-ларда, давлат ва бошқарув идоралари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқаруш органлари ҳамда жамоат бирлашмалари билан ҳам-корликда, олиб борилади-ган тайёргарлик ишларида ҳам фаол иштирок этиш-лари лозим.

■ Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

«КОНСТИТУЦИЯ ДАРСИ»

Президентнинг фулотини Сирғали туман кенгашининг биринчи котибаси Л. Ис-матова олиб борди.

Машгултода Тошкент давлат юридик инсти-тутини давлат ҳуқуқи ва бошқарув кафедраси-нинг катта ўқитувчиси,

■ А. МАҲАМАДИЁРОВ, ЎзХДП Сирғали туман кенгаши консултанти

ОТАЛАР СЎЗИ

ЁШЛАР — СУЯНЧИҒИМИЗ

Ёшларимизнинг юрти-мизда юз берган туб ўзгаришларга юқори баҳо берилиб, диёримизда, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ислохотлар билан уйғунликда, маънавий янги-ланиш жараёнилари кенг қулоч ёзаётганлиги, мил-

авлод албатта боболарининг изидан боради. Улар дунё тар-қибига ўз улушларини қўшишларига имонимиз қомил.

Ёшларимиз юрти-мизнинг но-мини жаҳонга танитишда му-носиб ҳиссасини қўшаётганлиги сир эмас. Чунки, қўлаб фар-зандларимиз дунёда ўтказилад-ган халқаро анжуманларда, тад-бирларда ва турли мусобақалар-да ўзларини намойиш этмоқда. Биз фарзандларимизга қанчалик эътиборимизни қаратсақ, улар маънавий-маърифий жўхотдан шунчалик соғлом ва баркамол бўлиб овозга етади.

■ Тугалбой ЭРОНОВ, Нурота тумани «Қизилча» жамоа ширкат ҳўжалиги

■ Тугалбой ЭРОНОВ, Нурота тумани «Қизилча» жамоа ширкат ҳўжалиги

Ёшларимизнинг юрти-мизда юз берган туб ўзгаришларга юқори баҳо берилиб, диёримизда, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ислохотлар билан уйғунликда, маънавий янги-ланиш жараёнилари кенг қулоч ёзаётганлиги, мил-

Ёшларимизнинг юрти-мизда юз берган туб ўзгаришларга юқори баҳо берилиб, диёримизда, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ислохотлар билан уйғунликда, маънавий янги-ланиш жараёнилари кенг қулоч ёзаётганлиги, мил-

Ёшларимизнинг юрти-мизда юз берган туб ўзгаришларга юқори баҳо берилиб, диёримизда, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ислохотлар билан уйғунликда, маънавий янги-ланиш жараёнилари кенг қулоч ёзаётганлиги, мил-



илмига чанқоқлиги, янгиликка илтишани уларнинг сўзидан, кўн-дан, юзидан сезилиб турибди. Уларни қўлаб-қуватлаб юр-моқлик бизнинг оталик бурчи-мизидир. Аждодларимиз илм-ма-рифатини теран англаб, буюк хасбиётларни яратганликлари тарихдан бизга аён. Демак, ёш

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2001 йил 6 февралдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юри-тиш, шунингдек, божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қийматини бел-гиллади: %

1 Австралия доллари	182,05	10 Люксембург франки	76,86
1 Австрия шиллинги	22,53	1 Малайзия рингити	86,94
1 Англия фунт стерлинги	485,63	1 Германия маркиси	158,53
1 Бельгия франки	76,86	1 Польша злотийси	82,36
1 Голландия гульдени	140,70	1 СДР	431,25
10 Греция драхмаси	9,11	1000 Туркия лираси	0,49
1 Дания крониси	41,58	1 Финляндия маркиси	52,15
1 БАА дирхами	89,95	1 Франция франки	47,27
1 АҚШ доллари	330,34	1 Швейцария франки	201,35
1 Миср фунти	85,58	1 ЕВРО	310,06
10 Испания песети	18,43	10 Жанубий Корея вонини	2,43
100 Италия лираси	16,01	10 Япония иенаси	28,51
1 Канада доллари	220,73	1 Россия рубли	11,61
1 Хитой юани	39,91	1 Украина гривнаси	60,83

* / Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Рес-публикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қий-матда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

МЕНИНГ
10
ЙИЛЛИГИМ

ЮРТИМИЗГА КОМИЛ ВРАЧЛАР КЕРАК

Кўнвўз ХўҶАЕВА,
тиббиёт фанлари
доктори, профессор



Энг аввало Тиб қонунла-рининг отаси Абу Али ибн Сино билан юртдош экан-лигимдан фахрланаман. Мана минг йилдан зиёдди-ки, қомусий олимимизнинг салоҳияти ва тажрибалари инсониятга асқотмоқда. Қо-лаверса, шарқ халқлари жуда қадимдан табобат со-ҳасига нихоятда лаёқатли бўлганлар.

Истиқлолга эришганимиз-га ҳадемай ўн йил бўлади. Бир қарашда тиббиётимиз-да у қадар катта ўзгариш-лар рўй бермагандек тую-лади. Бироқ ундай эмас. Не-гаки, ҳар жиҳатдан комил шифокорни тарбиялаш ва унинг ўз мутахассислиги ус-тида етарли малака ҳосил қилмоғи учун ўн йил камлик қилади. Энг муҳими, ҳурлик шарофати билан экилган ниҳоллар буй чўзмоқда, та-бийки улар яқин йилларда ўз медаларини ҳам беради.

Мен шўро даврида ўқиганман. Ушанда тиббиёт илм даргоҳларида деярли ҳамма фанлар рус тилида ўқитиларди. Бу ҳолат қиш-лоқдан келган йигит-қизлар учун жуда катта қийинчилик-лар туғдирарди. Ўзга тилда фанни теран тушуниш у ёқда турсин, дурустроқ ўзлашти-риш ҳам оғир-да!.. Натижа-да иродаси бўшроқ ёшлар ўз орзуларидан воз кечиш — ўқини ташлаб кетиш да-раҳасига ҳам борарди.

Ҳозир эса худого шўр, фан-лар ўз она тилимизда ўқитилмоқда. Тимоздик, докторлик ишларини ҳам Москва ёки Санкт-Пете-рбургда эмас, балки ўз вата-нимизда — ўзбек тилида бағишланган, тадбирлар ре-жасини тасдиқлаб, барча партия кенгашларига шун-дай режаларни ишлаб чи-қиб, уларни амалга оши-ришни тавсия этди.

Мазкур қарорга бино-ан, маҳаллий партия таш-килотлари, байрамга оид, ўз тадбирларини ўтказиш билан бир қаторда, жой-ларда, давлат ва бошқарув идоралари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқаруш органлари ҳамда жамоат бирлашмалари билан ҳам-корликда, олиб борилади-ган тайёргарлик ишларида ҳам фаол иштирок этиш-лари лозим.

ти-ми-за ҳам иқтисодий жи-ҳатдан бакуват одамлар аста-аста қўлайиб бораёт-ганидан мамнунман. Улар-нинг айримлари тиббиёт даргоҳларига ҳам ёрдам қўлларини қўшиб, бинола-римизни таъмирлашимизда, ривожланган мамлакатлар-дан замонавий асбоб-уску-наларни сотиб олишимиз-да бизга ёрдам бермоқда.

Истиқлолнинг яна бир шарофати шу бўлдики, шўро даврида медицина институтлари фақат маълум бир соҳа мутахассислари-ни тайёрларди. Етти йил ўқиган талаба ё хирург ё терапевт ёки кўз, қулоқ, бу-рун врачини бўлиб чиқарди. Ҳозир эса биз ҳар бир со-ҳани ўзлаштирган умумий врач, олий тоифали шифо-корларни тарбияладиган бўлди. Илм даргоҳлари қошида академик лицей-ларнинг очилиши ҳам ай-нан кўнглимиздагидек бўлди.

Шу ерда мен бир нарсани таклиф қилишни истар-дим. Талабаларимиз 7 йил-да бакалавр бўладилар. Магистрлик унвонини олиш учун эса яна уч йил ўқиш-лари лозим. Агар биринчи, иккинчи курсда ўқитиладиган физика, химия, биоло-гия ва яна айрим ижтимо-ий фанлар лицейларда кенгроқ ўқитилса, ёшларимиз олий даргоҳга ки-ришлари билан мутахас-сислик фанларидан сабоқ олишни бошласалар, эҳти-мол, ўқиб мuddат биروز қисқариши ҳам мумкин бўларди.

Биласиз, ҳозир «Умид» жамғармаси кўрик-танлови-нинг совриндорлари бўлган Словакия каби хорижий мамлакатларда бўлганман. Шўро даврида чет элларга минг чиғирқидан ўтиб, фа-қат сайёҳ сифатидагина чи-қиш мумкин эди. Бугун эса биз мутахассис сифатида билим ва тажриба алма-шиш, ошириш мақсадида ижодий сафарларга бормоқ-дамиз.

Шўро даврида боргани-мизда биз тиббий даргоҳ-ларни ташқаридан туриб то-моша қилардик, холос. Эн-дликда биз хориждаги ка-салхоналарнинг ичига ки-риш, у ерда илмий изла-нишлар олиб бориш ҳуқуқларига эга бўлдик. Америкада шу нарсани ку-шатдимки, у ердаги шахсий госпиталларнинг кўпини ўша юртнинг бой одамлари қуриб берган. Биноларнинг тепасига ҳам ким курганли-ги ҳақидаги ахборотлар қайд этиб қўйилади. Бизнинг юр-



Наманган вилояти Поп туманидаги «Наврўз» ширкат ҳўжалиги деҳқонлари ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш мақсадида экин майдонларига яқоб суви беришни давом эттир-моқдалар. Бу ерда техника таъмири ишлари ҳам яхши олиб борилди: чопик тракторлари, сепкалар ва бошқа транспорт-лар баҳорги ишларга шай қилиб қўйилди. Суратларда: 1) яқоб суви бериш. 2) механик Мўхаммад Тўйчиев (чапда) ва бош муҳандис Нурилло Имомовлар. ■ Турғунбек МАҲКАМОВ олган суратлар

ЮРТБОШИНИНГ ЮРТ БЎЙЛАБ ҲАР БИР САФАРНИНГ СОЛНОМА ДЕБ АТАГУЛИК АҲАМИЯТИ БОР. ЧУНКИ ҲАР БИР ТАШРИФДА УЛКАН ИШЛАР МАЖМУИ ЎРТАГА ТАШЛанади ЁКИ ЙИГИЛИБ ҚОЛГАН МУАММОЛАРГА ЕЧИМ ИЗЛанади ВА ТОПИЛАДИ ҲАМ. МУСТАҚИЛЛИКНИНГ 10 ЙИЛИДА МАМЛАКАТДА ҚИЛИНГАН БУНЁДКОРЛИК ИШЛАРИ, ҚИЛИНАЖАК ВАЗИФАЛАРНИ ТЎЛАРОҚ ЁРИТИШ МАҚСАДИДА ТАХРИРИЯТ ВИЛОЯТЛАР БЎЙИЧА ЙЎҚЛОВ ТАШКИЛ ЭТДИ. УНДА АЙНАН ПРЕЗИДЕНТ КЎТАРГАН МУАММОЛАР ИЗИДАН ЮРИЛАДИ. ВА ШУНИНГ УЧУН ҲАМ «ЮРТБОШИ ЮРТ КЕЗГАНДА» ДЕГАН ЯНГИ РУКН ОЧДИК. КЎЙИДА БИЗ МУАММОЛАР НАВОИЙ ВИЛОЯТИДА ҚАНДАЙ ЕЧИМ ТОПГАНИГА ТЎХТАЛАМИЗ. ХЎШ, НАВОИЙДА ПРЕЗИДЕНТ ТАШРИФЛАРИДАН Кейин ҚАНДАЙ ЎЗГАРИШЛАР БЎЛДИ? ЯНА НИМАЛАР ҚИЛИНИШИ ЛОЗИМ?

ЮРТБОШИ

МАМЛАКАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ

РАҲБАРЛАРНИНГ


Вилоятда авж олган таълим-билишчилик, «меники», «ўзганики» каби иллатлардан халос бўлиш учун нима қилиш керак, деб савол кўйганлар Президент 1998 йил халқ депутатлари Навоий вилояти Кенгаши сессиясида ва жавобни ҳам ўзлари бергандилар: «Энг аввало эски асoratлардан жудо бўлган, замон талабига жавоб берадиган ёшларни кўлаб-қувватлаш керак».

Уша вақтда кадрлар масаласидаги ахвол Навоий вилоятида ҳақиқатан ачинарли эди. Хўш, ҳозир ахвол қанақа? Раҳбарликда ёшларнинг ўрни қандай?

Вилоят раҳбар ходимларининг 75 фоизи ёшлардан иборат. Вилоят ҳокимининг икки муовини, ижтимоий масалалар бўйича муовин Дўстмурод Холиқов ва иқтисодий масалалар бўйича муовин Баҳодир Қўшановлар айна шижоат ёшида. Навбахор тумани ҳокими Гулом Облоқулов эса энди 37 ёшга тўлди. Шунингдек, бу сафга вилоят ҳокимлигининг масъул ходимлари — Мурод Аминов, Фахриддин Фармонов, Уктам Элбеков ва Файрат Жўраевларни ҳам қўшиш мумкин.

Карманаликлар Кармана тарихини рамзий равишда иккига бўлишди: Президент таширфидан олдинги ва кейинги Кармана.

1998 йил 11 ноябрь. Президент Ислам Каримов Навоий вилоятига таширф буюрди. Халқ депутатлари вилоят Кенгаши сессиясида нутқ сўзлади. Мажлисда Президент йиғилганлардан Кармана тарихини биласизми, деб сўради. Унинг ёши нечада, деб савол берди. Кармананинг тор,



Қосим Шайх мақбараси

КАРМАНАНИНГ

деярли қаровсиз қолган кўчаларидан ўтаётган Президент шундай қадимий шаҳарнинг ҳаробага айланган бораётганидан таъвишга тушди.

Хукумат раҳбарининг кўнжақлиги уларда ватанпарварлик ҳисларини жўш урдирди. Шунинг учун ҳар бир карманалик бу ердаги ўзгаришларни у кишининг сўзлари билан тушутиради.

1999 йил 27 май куни «Навоий вилояти Навоий шаҳри тарихида Кармана туманини ташкил этиш тўғрисида» Президент Фармони эълон қилинди. 7 бандли ушбу Фармон асосан Карманани обод қилиш, ундаги асори-атикаларни қайта таъмирлашга қаратилган.

Шу тариқа Кармананинг янги даври бошланди. Буни карманаликлар ҳазил аралаш «Уйғониш даври» деб аташади.

«УЙҒОНИШИ»

ҳиди анқиб турган туман ҳокимлиги жойлашган бино. Яна...

«ИПАК ЙЎЛИ БЕЛИДАМИЗ»

— Сиз кўриб турган бу кенг кўчалар Президент келган пайтда тор ва ноҳақ эди, — дейди Кармана туман ҳокимининг қурилиш ишлари бўйича муовини Каҳрамон Ерқулов. — Юрт-мирлаш ишлари олиб борилади.

Қосим шайх мақбараси мажмуини таъмирлаш, ободонлаштириш учун 697,4 млн. пул сарфланади кўзда тутилган. Шу йил август ойига иморат тўла таъмирланиб, топширилади.

«Бундан 15 йиллар илгари мана шу тепалик устига чойхона қуришмоқ-

«МУСТАҚИЛЛИК ҚАРВОНЛАРИ»

Фармонда Кармана туманини Навоий шаҳри билан боғловчи троллейбус йўли ўтказиш кўзда тутилган эди.

1 миллиард 200 миллион сўм сарфланадиган троллейбус йўлини қуриш ишлари ҳозир бошлаб юборилган. Яқин йиллар ичида туялар қарвони ўтган Буюк ипак йўлидаги бу қадимий шаҳар кўчаларида Мустиқиллик қарвонлари бўлиб троллейбуслар қатнай бошлайди. Қадимий шаҳар кўчаларини замонавий транспорт қарвонлари тўлдирди. Уни карманаликлар фахр билан «Мустиқиллик қарвонлари» деб аташмоқчи.



Кармандаги коллеж биноси



Вилоят марказий банки



Кармандаги Буюк ипак йўли



Автоқоҳбекот

бошимизнинг танқидидан жуда уялди. 7 километр йўлни кенгайтирди, янгида асфальт ётқизди. Йўлакчалар қилинди. Кўчаларда ҳам аввал чиқоқ йўқ эди.

М-37 халқаро автомобиль йўли деб аталувчи Буюк ипак йўлининг бу қисми кенг ва раvon. Йўл четида эса қадимий Кармана замонавий жозибаси билан турибди — чиройли чиқоқлар, ошоналар, кафелар ва бошқа бинолар, кенг, раvon, ёруғ кўчалар.

БУЎЛДОЗЕР БУЗОЛМАГАН ТЕПА

Президент Фармони Кармана обидаларининг обидийдасига малҳам бўлди. Унда обидалар ҳақида алоҳида ўрин бор: «Мирсаид Баҳром мақбараси, ҳазрат Қосим шайх мақбара мажмуи, Шайх Хўжа Хисрав мақбараси, Мирзачорбоғ ёдгорликларини қайта таъмирлаш дастури икки ой мuddатда ишлаб чиқилсин ва тасдиқлансин».

Мирсаид Баҳром ва Шайх Хўжа Хисрав мақбараларини таъмирлаш бўйича лойиҳага буюртма берилган. Мирзачорбоғ ёдгорлигида икки йил ичида 2 миллион сўмлик таъ-

Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 26 сентябрдаги қарорига асосан Навоий вилоятида 54 коллеж, 5 та академик лицей қуриш режалаштирилган. Ушундан бери ушбу қарор асосида 8 та коллеж, 1 та академик лицей қуриб ишга туширилди. Аини кезде Қизилтепа ва Навбахор туманларида 750 ўринли касб-хунар коллежлари қуриляпти. Коллеж ва лицейлар қурилишида муаммо йўқ. Мактабларда-чи? Халқ таълими бошқармасида ахвол қанақа?

МАОРИФ:

АХВОЛ ВА ХУЛОСА

1998 йил вилоят мактабларида 422 нафар 10-синф маълумотиغا эга ўқувчилар дарс беришарди. Мактабларнинг 60 фоизи ша-роити чекланган, яъни мослаштирилган биналарда жойлашган эди. 8 та мактаб яроқсиз ҳолда, ҳар тўрт мактабнинг 3 тасига газ ўтмаган, жами мактабларнинг ярми тоза сув билан таъминланмаган, аксарият мактабларда ошона ва спорт заллари йўқ эди.

— Ҳозир вилоятдаги жами 16105 ўқувчининг 11930 нафари олий, 311 нафари тўлиқсиз олий, 3864 таси эса ўрта-максус маълумотга эга, — дейди халқ таълими бошқармаси муовини Халил Якубоев. — Авария ҳолатидаги мактаблардан 2

таси қолди. Қолганлари янги қурибди, қуриляпти. Тоза ичимлик суви ва газ билан таъминлашга маблағ ажратилди. Мактабларни техник жиҳозлашга ҳам вилоят ҳокимлиги, ҳомий ташкилотлар ёрдам кўрсатди.

МАОРИФ:

АХВОЛ ВА ХУЛОСА

лар. Масалан, 1998 йилда вилоятдаги жами 375 мактабнинг 179 тасида компьютер бўлган бўлса, ҳозирги кунга келиб мактабларимизнинг 203 тасида компьютер мавжуд.

Тўғри, танқиддан кейин ҳокимлик, мутасадди ташкилотлар эътиборини қаратдилар. Лекин бу эҳтиёжга нисбатан жуда кам. Фактларга мурожаат қила-миз.

2001 йилда 126 та таълим муассасаларини тўла-тўлиқ таъмирлаш ва газлаш-тириш учун 1.502.702 минг сўмга талаб тушган эди. Жорий йилга юқоридаги сўм маблағ ажратилган, ҳолос.

бошқармасининг таъмирлаш корхоналаридан 40 миллион сўмлик қарзи бор. Қўйиники, вилоят халқ таълими бошқармасининг ўзи зах, кўрimsиз бинода жойлашган. Навбахор туман халқ таълими биноси эса ҳашар йўли билан қури-ди.

ТАНҚИД

МЕВАСИНИ БЕРДИ

1998 йил фанлар бўйича олимпиадада вилояти-миз ўқувчилари республика бўйича охириги ўринда эдилар. Ҳозир 3-ўринга кўтарилдик. Уша йили олий ўқув юртиларига кириш бўйича 9-ўринда бўлсак, ҳозир 5-ўринда турибмиз. Ўқувчилар спартакиада-сида ҳам 1998 йил охириги ўринда бўлганмиз. Ҳозир эса 5-ўринда. Дарслик билан таъминланишида вилояти-миз ўқувчилари республика бўйича энг етакчи ўриндадир. Яъни 89,9 фоиз, — дейди Халил Якубоев.

Албатта, бу кўрсаткичлар яхши. Лекин уларнинг яна-да яхшироқ қилиниши давр талабидир. Зеро, халқи-миз азалдан мактабга, мураббийларга алоҳида эҳти-ром билан қараганлар. Маърифатга интилиб яша-ганлар. Вилоят раҳбарлари ҳам ўз фарзандларининг ўқиш шaroитлари билан яна бир қизиқиб қўйсалар яхши бўларди.

ХАЛҚАРО МИКЁСДАГИ АЭРОПОРТ

Улкан санаот шахри бўлган Навоийда самолётлар бемалол қўна оладиган халқаро миқёсдаги аэропорт йўқ эди. Мана орадан 2 йил ўтиб, айнан Навоий ҳазратлари таваллудининг 560 йиллик тўйларига тўғна сифатида аэропорт ишга туширилади. Халқаро миқёсдаги аэропортда таъмирлаш ишлари шу йилнинг май-июнь ойларида ту-галланиши керак. Аэропорт кечаси ҳам, кундузи ҳам самолёт қўнишига мўлжал-ланган. Мана энди Навоийда дунёнинг ҳаво йўллари очилади.

ҚОРАКЎЛ ТЕРИ КАМАЙДИ, БИРОҚ...

Навоий қоракўл етиштириш бера-диган энг йирик вилоятлардан бири. Вилоятда 726625 қўй бор. Қоракўлчи-ликка ҳамда чорвага эътибор бироз сусайганлиги бонс Юртбошимиз ушбу соҳага эътиборни қўйиштириши уқтирилди. Масалан, 1994 йилда 1992 йилга нисбатан қоракўл тери 25,4 фоиз камайиб кетган эди. 1998 йилда эса 1996 йилга нисбатан қоракўл тери тайёрлаш 40 фоизга ка-майган.

1998 йилда 193603 дона қоракўл тери тайёрланган бўлса, 2000 йилда бу кўрсаткич 187542 донага ташкил қилди. Демак, қоракўлчиликда ўсиш бўлмаган.

— Қоракўл терининг бозордаги нар-ҳи арзон бўлгани учун кўпроқ қўзи қолдирилляпти, яъни улар гўштга тайёрланаёпти, — деб юқоридаги ҳолатни изоҳлайди «Навоийқоракўл» ақшорлик бирлашмаси раиси Фаз-лиддин Аҳмедов.

Вилоятда қоракўл тери бирга қўйлар сони ҳам камайиб бормоқда.

ОЛТИН ЮЛДУЗ ОЛГАН МАРМАР

1999 йилнинг декабрь ойида қурилиш материаллари бўйича Германияда ўтказилган халқаро кўрвизмада Нуротанин оқ мрамми дунё бўйича энг сифатли мрамр, деб тан олинди ва олтин юлдуз билан тақдирланди. Бундай сифатли мрамрларни қайта ишлаётган Нурота мрамр ҳукусуей ишлаб чиқариш фирмаси Италиянинг «Нейрши» фирмаси орқали халқаро мақомага эга бўлган геоптология соҳиб оиди. Мрамрларни Россия, Америка, Жапоний Кореяга экспорт қилаётган ҳукусуей фирма испиқоболдиур. Унинг маҳ-сулотларини Навоий вилоятидаги турли маданий ёдгорлик-лар ва янги ҳайбонларда ҳам қўришишга мумкин. Тошкент метрополитенининг янги йўналиши бекетлари учун фирма маҳсулотига талаб тушган.

ТОЗА ИЧИМЛИК СУВИ БИЛАН ТАЪМИНЛАНГАН

1998 йилда уш-жой қурилиши 40 фоизга қамойиб кетган эди. Бу борада ҳам айтарли силжишлар бўлди. 1998 йилда 154 минг метр квадрат уй-жой қурилган бўлса, 2000 йилда бу кўрсаткич 203 минг метр квадратни ташкил қилди. Ўсиш 131,8 фоиз бўлди.

ЮРТ КЕЗГАНДА

10 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНАДИ



75 ФОИЗИ ЁШЛАР

Вилоят «Матлуботсавдо» акциядорлик компаниясининг раиси Муродхон Эгамкулов эса баайни йигитликнинг қирчиллама ёшида.

Хўп, раҳбарликда ёшлар кўп экан, улардан кейинги пайтларда қандай ташаббус ва янгилик ўртага ташланди? Кўзга кўринарли нима иш қилинди?

Биргина мисол. «Матлуботсавдо» акциядорлик компаниясининг ёш раиси барча туман марказларида миниаркет очиб ташаббус билан чиқди. Ташаббускорнинг фикрича, бу чекка-чекка туманлардаги аҳолининг овозгар-

чиликларига чек кўяди. Чунки вилоятдаги баъзи туманлар марказдан 200-250 км. узоқда жойлашган. Миниаркетдаги нархлар ҳам бозордагидан арзон, чунтақиб бўлиши керак. Йўқса, чиройли бу дўконларга одамлар кирмай қўяди. Ташаббус яхши кутиб олинди. Ҳозир Навбахор туманида шундай дўкон қурилди. Қонимехдаги миниаркет қурилиши март ойида топирилади. Муस्ताқиллик байрами арафасида яна иккита — Қизилтепа ва Кармандада миниаркет очиб режалаштирилган.

боли учун кони фойдаланган. Мурунговдан 32 йилдирки, энг ноёб маъданлар қазиб олинган. Бунга мисол қилиб жаҳон стандартига мос «9999» типдаги соф олтинни кўрсатиш мумкин.

Худди шу типдаги олтин қўйилмаларига хориж мамлакатларида эҳтиёж нўҳоятда катталгичи сабаб Мурунговда ҳайрли бир ишга қўл урилди. Бу ўзбекистон — Америка Ҳамкорлигининг рамзи бўлган «Зарафшон — Ньюмонт» қўшма корхонасига асос солинган-

рометаллургия заводининг очилиши ёхуд Учкудуқдаги Кукпатамас олтин конларининг ўзлаштирилиши ҳам муस्ताқиллик йилларининг ажиб бир манзарасидир. Шунингдек, Қорақоталадаги фосфорит комбинатининг бунёд этилиши, «Ағам» трикотаж фабрикаси, «Зариспарк» олтинни қайта ишлаш, зирақлар ва олтин тақинчоқлар ишлаб чиқариш корхонаси ҳам истиқлол йиллари неъматидир.

Худди шу қончилик саноти юксалиши сабаб комбинат

тин ёмбисини берди. Заводнинг очилиши маросимида юртбошимиз иштирок этди.


Қарийб 300 киши билан иш бошлаган сарҳадсиз саҳродаги бу заводда ҳозир бир неча юз киши меҳнат қилаётди. Ана шу ишчи кучининг 90 фоизи маҳаллий ёшлардир.

«Зарафшон—Ньюмонт» ҳаётида янги аср янги даврни бошлаб берди. Мазкур қўшма корхонага Европа тикланши ва тараққиёт банки 30 миллион АҚШ доллари миқдорда кредит берадиган бўлди. Бу кредит шубҳасиз заводнинг янада мукаммал, қатъий бир маромда ишлашини таъминлайди.

Уни бевосита ХХ асрнинг ҳам гигант объекти, дейиш мумкин. Ҳозирда «Зарафшон — Ньюмонт» қўшма корхонасининг қўймалари дунёнинг энг нуфузли бозорларида сотилияпти. Бунга мисол қилиб Лондон, Токио, Вашингтон биржаларини кўрсатиш мумкин. Янги асрада Жанубий Африка, Америка, Россия, Япония сингари серолтин мамлакатлардан ўзбекистоннинг ўзиб кетиши муқаррар. Ана шундай мунавар тонглар жуда яқин...

Навий шаҳрига киришингиз билан бир нарсага амин бўласиз — шаҳар кўчалари ва кўп қаватли уйлар атрофи тоза. Лекин навоийликлар ўз шаҳарлари ҳақида шундай дейишади: — Навоий тутун орасида яшаётган шаҳардир.

— 1998 йилги халқ депутатлари вилоят Кенгаши сессиясида болалар ва оналар ўлими бошқа вилоятлардан 10 фоизга, аҳолининг касалланиш даражаси вилоятдаги феноллар ва турли кир-мёвий элементлар нор-



нинг ягона артерияси бўлган Зарафшон дарёсининг суви таркибиде феноллар ва турли кир-мёвий элементлар нор-

фаолият кўрсатиши режалаштирилган 2 та демеркуризация станцияси негадир қурилмади. Шу сабаб ҳозирги кунда кўп миқдорда яроқсиз симобли лампалар йиғилиб қолган. Ахир, бунга вилоят мутасаддилари қачон эътибор қаратишди? Саноат корхоналаридан чиқётган чиқинди сувларни тозалаш иншоотини кенгайтириш лойиҳаси ҳам маблағ йўқ баҳонаси билан тўхтаб қолган.

Вилоят аҳолиси соғлиғига таъсир қилётган ҳолатларни бартараф қилишни вилоятда ҳеч ким ўйлаётгани йўқ. Бунинг оқибатида аҳолининг умумий касалланиш даражаси ҳамон юқорилигича қолмоқда.


— Кўп касалликлар нотоза ичимлик сувидан ҳам келиб чиқади, — дейди Абдурахмон Носиров. — Вилоятда 40 фоиз аҳоли водопровод сувидан ичмади. Қолганлари ер ости ёки оқова сувлардан фойдаланишади. Барча аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлашнинг имкони йўқ. Вилоят ўз сув манбаига эга эмас. Сувни Бухоро ва Самарқанддан олаемиз. Шунинг учун ҳозирча оқова сувларни тозалаш иншоотларига эътибор қаратиш лозим. Афсуски, Нурота ва Қизилтепа шаҳарлари ҳамда Хатирчи туман марказий шифохонасининг оқова сувларни тозалаш иншоотлари капитал таъмирга муҳтож. Маблағ эса йўқ. Қизиқ, ҳўжаликда пахта режаси бажарилмаса, сабабини раҳбарлар мажлис муҳокамасига қўйиб аниқлашди. Лекин халқ саломатлигига хизмат қилувчи мана бу иншоот нега қурилмади, деб ҳеч ким қизиқмайди. Фаланинг аҳолининг сўрайди, аҳолининг соғлиғини сўрамайди.

Вилоятдаги экологик вазият ҳамда аҳоли соғлиғига раҳбарлар эътибори шундай.

Юртбошимиз 2001 йилни Оналар ва болалар йили деб эълон қилганларида энг аввало халқ саломатлигини ўйлади. Соғлом келажакни кўзда тутди. Бу кўтулғи йилда вилоятда биз айтган ҳар икки «экологик вазият» борасида ҳам ижобий ўзгаришлар бўлишига умид қилаемиз. Зеро, Президент таъкидлаганидек, ҳамма ислохотларнинг пиروвард натижаси ҳалқимизнинг бахт-саодатига қаратилиши лозим.

ҚИЗИЛҚУМНИНГ «ОЧИЛДАСТУРХОН»И

Асрий, сўнгсиз саҳро — Қизилқумнинг ўзи бир эртмак. Бу афсонавий кенгликнинг ҳар бир қаричи сир-синаотга бисёр. Айниқса, ер ости ва усти бойликларини айтмайсизми? Афсонавий «очилдастурхон» саналган Қизилқум бағридан бугунги кунда Менделеев жадалидеги барча нодир элементларни топиш мумкин. Олтин, қумуш, мис, қалай сингару маъданлар ана шулар жумласидандир. Худди шу маъданлар



ҳудудида Мурунгов ўз қазилма бойликлари жиҳатидан муҳим аҳамият касб этади. Андиқроқ айтганда тилога бой, нодир қазилма бойликлари бор бу тоғ тизмалари муस्ताқил ўзбекистон учун, унинг эртманги истиқ-

нидир. Бу иншоотни шубҳасиз истиқлол меваси, дейиш мумкин. Тўқсонинчи йиллар ўрталарида ишга туширилган бу тоғ жинсларини қайта ишлаш заводи Ўзбекистонни дунёга олиб чиқди, десак муболаға қилмайми.

Айниқса, кейинги 2 йилда олтин ва нодир металллар қазиб олиш жиҳатидан комбинатда 1,7 фоиз ўсизга эришилди. Бевосита Мурунгов кон ҳавзаси каби 3-гид-

«Дўстлик» ордени билан тақдирланди. Николай Кучерский, Анатолий Панин сингари кончилар Ўзбекистон Қаҳрамони унвонига сазовор бўлдилар.

Учкудуқдаги 3-гидрометаллургия заводи қурилиши ҳам истиқлол йилларига келиб ўз ечимини топти. Шўролар даврида қурилиши 17 йилга чўзилган бу гигант корхона муस्ताқиллик шарофати билан атиги 14 ойда битказилди ва 1995 йил июнида дастлабки ол-

дир. Бу иншоотни шубҳасиз истиқлол меваси, дейиш мумкин. Тўқсонинчи йиллар ўрталарида ишга туширилган бу тоғ жинсларини қайта ишлаш заводи Ўзбекистонни дунёга олиб чиқди, десак муболаға қилмайми.

БИЗ ВА ЭКОЛОГИЯ

зидентимиз куюниб гапиргандилар. Бундай ҳавотирли кўрсаткич, энг аввало, Навоий вилоятининг экологик муҳити билан изоҳланади, — дейди вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Абдурахмон Носиров. — Тизимимиз томонидан анча-мунча ишлар

мадан бир неча марта кўплиги қузатилди. Булар, албатта, вилоят аҳолисининг соғлиғига салбий таъсир қилмоқда.

Президентимиз яқинда Идораларо мувофиқлаштирувчи Кенгашда сўзлаган нутқида ҳам Навоий вилояти экологик вазиятига эътибор қаратиш лозимлигини таъкидлаб



«Вилоятг'ат» янги биноси



Нурота мрамор заводи цехларидан бирида



Наваҳор туманидаги янги бинолар



Навоий шаҳри кўриниши

УРУҒЧИЛИКДА МУАММОЛАР ЙЎҚ

1998 йилги вилоят сессиясида 3 йилдан бери пахта режаси бажарилмаётганини юртбошимиз танқид қилганлар ва бунга вилоятда уруғчилик билан ҳеч ким шуғулланмаётганини асосий сабаб, деб кўрсатгандилар. Хўш, бу борада ўзгариш бўлдими?

— Вилоятнинг янги раҳбари ва қишлоқ ҳўжалик ходимлари таъкиддан тўғри хулоса чиқардилар. Иқлимга мос 6 хил пахта нави экилиб, синаб қўрилди. Натижалар ёмон эмас. 1999 йил вилоят режаси бажарган бўлса, ўтган йил ҳам қурғоқчилик бўлишига қарамай режанинг 90 фоиздан ортиқроқ хирмон ўйди, — дейди вилоят ҳўқимлиги деҳқончилик бўлими ходими Фахриддин Фармонов. — Уруғчилик борасида эса муаммо йўқ, десам хато қилмайман. Ўтган йили 7,5 минг тонна сара уруғ тайёрланди. Вилоятнинг уруғлик чигитга бўлган талаби эса 2,5-3 минг тонна холос. Демак, таъкиддан кейинги уруғчиликка эътибор уни нафақат вилоятга етказиш, балки қўшни вилоятларга сотиш имконини ҳам берди. Биз ортқича чигит уруғини Тошкент, Бухоро, Жиззах ва Қашқадарь вилоятларига сотдик.

Вилоят ҳудудида 63 та тарихий обидалар мавжуд. Шундан 12 таси республика аҳамиятига молик. Уларнинг жойлашиш географияси кўйилди:

Қосимшайх Масжиди (XVI аср), Мирзачорбоғ (XIX-XX аср), Мирсаид Баҳром мақбараси (XI аср) Кармана туманида;

Работи Малик карвонсаройи (XI аср), Сардоба (XVI аср) ва Деҳгорион масжиди (XI аср) Навоий туманида;

Бочақолон (оқмасжид) масжиди (XVIII-XIX асрлар) Хатирчи туманида;

«Қалъа азизон» қалъаси (XVI аср), Тошмасжид, минораси билан (XVI аср), Кўрғонмасжид (XI аср) Қизилтепа туманида;

«Чилустун» (XVI аср), «Кўкғумбаз» (XVI аср) масжидлари — Чашма мажмуа деб юритилади ва «Ҳазрати Шоҳимардон» қадимжолари (XVI аср) Нурота туманида жойлашган.

1998 йил Халқ депутатлари Навоий вилояти Кенгаши сессиясида Президент Работи Малик ҳақида тўхтади. Унинг келажагига, қилинаётган ишларга қизиқ-

ОБИДАЛАР ОБОД БЎЛАДИМИ?



Работи Малик карвонсаройи

ди. Сардобани суриштирди.

Шу гаплар туртки бўлиб, Работи Маликдаги тўхтаб қолган ишлар яна жонланди. 2000 йилда карвонсаройни таъмирлаш бошланди ва йил давомида 13512,0 минг сўмлик ишлар амалга оширилди. Карвонсаройи жанубий деворининг ярми лойиҳа асосида таъмирланди, шимоли-ғарбий томонидаги айрим деворлар консервация қилинди ва археологик ишлар давом эттирилди. Ҳозир ҳам бир ерда таъмирлаш ва археологик ишлар амалга оширилмоқда.

Тўғри, карвонсаройда қилинган ишлар анчагина. Лекин қилиниши лозим бўлганларига нисбатан бу оз миқдорни ташкил этади. Ваҳоланки, Президент танқиди ҳамда Фармон чиққанига икки йил бўлди. Икки йилда қилинган ишлар кўлами эса унчалик катта эмас. Ахир XI асрда қад кўтарган бу улкан карвонсаройни тиклаш умумий вазири эмасми? Сардоба ҳақида ҳам юқоридаги гапларни айтиш мумкин. Сув сақлаш учун махсус қурилган бу тумбази тошқовуз ҳам нураш арафасида турибди. Атрофи зах, қамши бошган. Сардоба атрофида эса захни қувийш учун зовурлар қазилган. Бу Сардобани сақлаб қолиш учун қилинган даст-

лабки ва охириги иш эканлиги кишини ҳавотирга солади. Маблагни ёки лойиҳани баҳона қилиб, Сардоба атрофида бирор иш қилинмас экан, унинг кўринишини суратларга қараб тасаввур қилишимизга тўғри келади. Чунки обидалар кутиб ўтирмайди, вақт шамолларида емирилиб кетганидан кейин аттанг, деб қолишликдан худо асрасин...


Шу сессияда Нурота чашмасини янада обод қилиш масаласи қўйилганди. Ушандан кейин чашма мажмуига кирувчи, Шўро замонида дон омбори бўлган «Чилустун» масжиди ичига иситиш қурилмалари ўрнатилди, таъмирланди. Чашма ҳудудида мрамор ётқизилди, чиройли фаворалар қўйилди. Зиёратчилар учун қурилатган меҳмонхона битиш арафасида. Яқинда чашма мажмуининг музейи ишга тушади.

Хуллас, юртбошимизнинг таширидан сўнг вилоятдаги барча тарихий обидаларга бўлган эътибор ошди. Бирок, бу борада вилоятда қилинадиган ишлар ҳали анчагина.

қилинапти. Вазирлик ҳам бунга катта эътибор қаратган. Лекин вилоятдаги экологик вазият фуқароларнинг саломатлигини янада мустаҳкамлашга тўғри қаратилди. Фактларга эътибор беринг. Навоий шаҳри ҳудудидаги саноат корхоналари ва автотранспортлар томонидан атроф-муҳитга чиқарилаётган зарarli чиқиндилар миқдори камаймаяпти. Шу йилнинг ўзида вилоят-

ўтди. Ҳақиқатан, мутасаддилар экологик вазиятни соғломлаштириш учун кечиктириб бўлмас ишларни амалга оширишлари керак. Эътибор қилинг: ўтган йили «Навоийазот» ишлаб чиқариш бирлашмаси ва Навоий ун заводи томонидан кўплаб тонна чиқинди ташланган.

Вазирлар Маҳкамасининг 469-сонли 20.09.99 йилдаги «Атроф-муҳитни ҳимоя қилиш миллий дастури»да Навоий ва Зарафшон шаҳарларида



«ИСТИҚЛОЛ» ПИВО ЗАВОДИ

Германиянинг «Берола» ГМБХ фирмаси технологияси асосида ўтган йили Навоий шаҳрида ишга туширилган завод шу ном билан аталади. Қўшма 10 минг литрлик қувват билан 7 хил номдаги пиво ишлаб чиқариётган «Истиқлол» жорий йилнинг апрель ойига бориб тўла қувват билан ишлаш бошлайди. Сифати Бавария пиволаридай қолмайди. «Истиқлол» маҳсулотлари ҳозирча Бухоро ва Тошкент вилоятларига чиқарилаётган.

■ Кўш саҳифани Акбар ЖОНУЗОКОВ ва Музаффар ШАРОПОВ тайёрлади
■ Суратлар муаллифи Шавкат АҚРАМОВ

«ЯХШИ НИЯТ» ТЕЛЕВИЗИОН УЙ-ЖОЙ ПУЛ-БУОМ ЛОТЕРЕЯСИ 7-ТИРАЖИДА ЮТГАН ЧИПТАЛАР РАҚАМЛАРИ ЖАДВАЛИ

Main table containing lottery results for the 7th draw of the 'Yaxshi Niyat' television lottery. It lists winning numbers across various categories (1-16) and includes a large grid of numbers for each category.

«ЯХШИ НИЯТ» ТЕЛЕВИЗИОН УЙ-ЖОЙ ПУЛ-БУОМ ЛОТЕРЕЯСИ 7-ТИРАЖИДА ЮТГАН ЧИПТАЛАР РАҚАМЛАРИ ҚИСКА ЖАДВАЛИ

Чипталар жадвал оқидан болаёла, хатидан чипталар рақамлар буйича текширилади. Ана шундай рақамдан биронтасини чиптада мажбуридан унутқиси айлантирилади. Агар хатидан чипталар баъра рақамлар чиптада мажбуридан унутқиси айлантирилади. Сунгра чипта сериусини 1, 2, 3, 4 ва 5 турларда тўри келиши текширилади. 6-турдан болаёла мажбуридан унутқиси айлантирилади.

Summary table of lottery results, organized by category (1-16) and showing the number of winners and the total amount of prizes.

Advertisement for 'BOHI MUHARRIR' (Boss Editor) and 'AZIM SUIYON' (Azim Suiyon). It features the logo of the 'O'zbekiston Halq Demokratik Partiyasi' (Ozdemir) and lists various services and contact information.

Advertisement for 'Yaxshi Niyat' television lottery, highlighting the 2001 year 11 draw results and the 2001 year 28 draw results.

Advertisement for 'Yaxshi Niyat' television lottery, highlighting the 2001 year 25 draw results and the 10-1000000 draw results.

Advertisement for 'Yaxshi Niyat' television lottery, highlighting the 2001 year 28 draw results and the 10-1000000 draw results.